

НИЗЛАБ ЧИКИЛГАН ВА БИРИТМАГАН

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДЛИКЛАНГАН ВА АМАЛГА АЖРАТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўриққани Олий
ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқшунослик факультети 2024 йил 18 август 2024 йил 18
сана Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўриққани Олий
ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқшунослик факультети 2024 йил 18 август 2024 йил 18
сана Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

БОШИДА ТУРГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан
фойдаланиш бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент

ЎЗР ОУМТВ
Буйруқ № 356
"18" 08 2024 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талабни “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	Мавзуси	бет
1.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</i>	4
1.2.1.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	6
1.2.4.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари</i>	6
2.	<i>60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар	8
2.2.	Касбий компетенциялар	8
	Библиографик маълумотлар	10
	Керишув варағи	11

1. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш бакалавриат таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, сув хўжалиги учун гидротехника иншоотлари ва насос станциялари (қурилмалари)ни лойиҳалаш, эксплуатация қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, уларни қайта қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ қуйидаги:

• гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган методлар ва воситалар билан боғлиқ комплекс масалалар;

• гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини лойиҳалаш ва фойдаланиш методларини ўрганиш;

• гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини иш жараёнларини ўрганиш;

• гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини қуриш, улардан фойдаланиш таъмирлаш ва реконструкция қилиш жараёнларини ўзлаштириш;

• насос ва улар тизимларида кечадиган физик жараёнларнинг математик моделлари қўллаш;

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш стратегияси белгилаш ва қўллаш;

- техник эксплуатация принципларини тузиш ҳамда лойихалаш каби масалаларни камраб олади.;

60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш бакалаврият таълим йўналишини битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар: ҳавза ва тизим бошқармалари; катта каналлар ва сув омборлари бошқармалари; насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари; Давлат унитар корхоналари, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари; насос агрегатлари ишлаб чиқарувчи “Сувмаш” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар турли хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлари ва бошқаларда касбий фаолият юритиш мумкин.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини самарали лойихалаш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш жараёнлари.;

- ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмалари;

- ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмаларни лойихалаш;

- ирригация тизимларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмаларини қуриш, улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

- сув хўжалиги комплексини ташкилий-хўжалик ва таъмирлаш-қурилиш бошқармалари;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ илмий-тадқиқот институтлари;

- давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни камраб олади:

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини лойиҳалаш ва фойдаланиш методларини ўрганиш.;

- насослардаги иш жараёнларини ўрганиш.;

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини қуриш, улардан фойдаланиш таъмирлаш ва реконструкция қилиш жараёнларини ўзлаштириш.;

- насос ва улар тизимларида кечадиган физик жараёнларнинг математик моделларини қўллаш.;

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш стратегияси белгилаш ва қўллаш.;

- техник эксплуатация принципларини тузиш ҳамда лойихалаш.

1.2.3. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот ;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- йиғиш-созлаш ишлари;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйдаги касбий вазифаларини бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлар ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

– гидротехника иншоотларини қуриш, грунт, бетон ва монтаж ишларини бажаришни ташкил қилиш ва технологияси, материал-техник ресурслардан самарали фойдаланиш услублари ва қурилишда замонавий технологиялар ва ишни ташкил қилишни қўллаш;

– намунавий қуриш технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усуллари танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– турланган гидротехника иншоотларини йиғиш, ишлатишга тайёрлаш ва самарали фойдаланиш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

– гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

– гидротехника иншоотларининг қисмларига техник хизмат кўрсатиш намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– гидротехника иншоотларини синаш ва диагностика қилиш ҳамда уларни ишлатиш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

Илмий - тадқиқот фаолиятида :

– дарёдаги табиий жараёнлар, гидротехника иншоотларини ва қурилиш технологияларини лабораторияда ва натурада тадқиқ қилишда қатнашиш;

– гидротехника қурилиши соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, таҳлил қилиш;

– илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– мавзу (топширик) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш ва тизимлаштириш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида :

– гидротехника иншоотлари қисмлари, элементлари ва йиғма конструкцияларининг лойиҳасини тизимий ёндошув асосида ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

– бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– гидротехника иншоотларининг параметрлари ва ишчанлик қобилиятини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

2. 60812500 – Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қуйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. Касбий компетенциялар:

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- гидротехника иншоотлари ва гидроэнергетик жиҳозлар бўйича бажариладиган илмий-амалий тадқиқот ишларида қатнашиш;

- гидротехника ҳамда гидромашиналар соҳаларидаги махсус адабиётлар, илмий-техник маълумотлар, чет элда ва республикамызда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

- илмий тадқиқот ишларини ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш ва тизимлаштириш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда **қатнашиш қобилиятига эга бўлиши.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- гидротехника иншоотлари, насос станциялари ва жиҳозлари, уларнинг қисмлари, деталлари ҳамда йиғма бирликларининг лойиҳасини тизимий ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- насос қурилмаларининг параметрлари ва ишлаш қобилиятини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда **қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:

- насос агрегатлари, қурилмалари, жиҳозлари ва уларнинг тизимларини йиғиш ҳамда ишга тушириш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш қобилиятига эга бўлиши;

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этишда қатнашиши;

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларига техник сервис кўрсатиш бўйича намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиши ва қўллаши;

- насос станцияларида фойдаланиладиган асосий ва ёрдамчи жиҳозларини синаш, ташхиз қўйиш ва камчиликларни бартараф этишда қатнашиши;

- насос станциялари агрегатлари технологик ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиши ва таҳлил қилиши;

- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини эксплуатация қилиш даврида фойдаланиладиган асбоб-ускуна, жиҳозларни амалда қўллаш қобилиятига эга бўлиши;
- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидандан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиши;
- насос агрегатларини синаш ва диагностика қилиш ҳамда уларни ишлатиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- насос агрегатларининг ишчи қисмлари ва деталларини лойиҳалаштириш ва конструкциясини ишлаш;
- насос агрегатлари қисмларини йиғиш, созлаш, ростлаш ишларини режалаштириш ва бажаришни ташкиллаштиришни билиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- намунавий механизациялашган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Педагогик фаолиятида (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК: 626.83:627.83

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, қишлоқ хўжалиги, арид зонаси, гидромодул, экинларнинг сув истеъмол қилиш графиги, машинали сув кўтариш, гидротехник иншоотлар, сув манбалари, дарёлар ва каналлар ҳамда коллекторлар, сув кўтариш, насос ва насос станциялари, насос қурилмалари, дарё ва каналлардаги гидротехник иншоотлар, машинали сув кўтариш гидротехник тармоғи, насос, насос агрегати, насос қурилмаси, насос станцияси, сув олиш иншооти, сув олиб келувчи канал, хас-хашакларни тутиб қолувчи панжара ва балиқларни ҳимоя қилувчи қурилмалар, затворлар, сув дарвозалари, аванкамера, босимли бассейн, насос станцияси биноси, сув олиб кетувчи машина канали, сўриш қувурлари, задвижка, тескари клапан, босимли қувур, умумий босим қувури, вакуумни узиш мосламаси, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш, насос станцияларидан фойдаланиш, механик жиҳозлар тизими, техник сув билан таъминлаш тизими, дренаж ва сув чиқариб ташлаш тизими, ёғ билан таъминлаш тизими, пневматик тизим, вакуум тизими, ёнғинга қарши тизим, хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш тизими, канализация тизими, шамоллатиш ва иситиш тизими, назорат-ўлчов асбоблари тизими,

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти**



Ректори в.в.б.  Мирзаев Б.С.

202_ йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛГАН:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқот ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**




Директори  М. Эсонов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги
кадрлар ва таълим муассасалари
бошқармаси**



Бошлиги  Х. Лапасов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги
сув тековчи ва инновацион лойиҳаларни
ривожлантириш бошқармаси**





Бошлиги  Ш.А. Усманов

201_ йил « _____ » _____

М.Ў.

**“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси
бошлиғи**



 Н. Эрназаров

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Тошкент архитектура қурилиш институти

Ректори в.в.б.  А.Ў. Мирисоев



202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

“UzGIP” ОАЖ бошлиғи



 Юсупов Б.А.

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.